



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
TOG'-KON SANOATI VA GEOLOGIYA VAZIRLIGI  
**BUYRUQ**

2023-yil "03" 08

75 - son

Toshkent shahri

**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ  
ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича  
маслаҳат-кенгашини тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаши” тўғрисида Қонуни ва Ўзбекистон Республики Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги SQ-682-IV-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**БУЮРАМАН**

1. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаши (кейинги ўринларда Маслаҳат-кенгаш) тузилсин ва таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаши Низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Маслаҳат-кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Кон-геология вазирлигига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, гендер tenglik нуқтаи назаридан мониторинг қилиш ва баҳолашда фаол иштирок этиш;

Кон-геология вазирлиги ваколати доирасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг tengligini таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг қасбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштиришда кўмаклашинг;

ишга кириш мақсадида мурожаат қилган номзодлар билан ўтказиладиган сұхбат ёки бошқа жараёнларда иш берувчи томонидан гендер

тengлик асосида вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришда иштирок этиш;

гендер тенгликни таъминлаш бўйича бошқа вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари шунингдек, ўрнатилган тартибда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

4. Маслаҳат-кенгапи (Ахмедова) уч қунлик муддатда Кон-геология вазирлигига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва гендер тенгликка эришиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир котибияти бошлиғи  
3. Сайдов зиммасига юклансин.

**Вазир**



**Б. Исламов**

**Кириллди:**

Регионал ва рудали геология  
бўлими бошлиғи

Н. Дулабова

**Келишилди:**

Вазир котибияти бошлиғи

З. Сайдов

Вазир маслаҳатчиси

З. Аҳмедова

Геологик қидирав ишларини  
мoliaялаштириш ва техник  
мувофиқлаштириш  
бошқармаси

Ю. Ходжамов

Коррупцияга қарши курашиш  
бўлими бошлиғи

Ш. Сагдуллаев

Геология қидирав ишларини  
техник мувофиқлаштириш ва  
мониторинг қилиш бўлими  
бошлиғи

Ф. Магдиев

Юридик бўлим бошлиғи

А. Нуркузиев

*Кон-геология вазирлигининг  
2023 йил 03 августдаги 75-сонли  
буйруғига илова*

**Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг хотин-қизлар  
ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни  
таъминлаш бүйича маслаҳат-кенгаши**

**ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.О.</b>		<b>лавозими</b>
1	З.К. Ахмедова	-	Вазир маслаҳатчиси, Кенгаши раиси;
2	Ю.Н. Ходжамов		Геологик қиди्रув ишларини молиялаштириш ва техник мувофиқлаштириш бошқармаси, Кенгаш раиси ўринбосари;
3	Ф.Н. Магдиев	-	Геология қиди्रув ишларини техник мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи, Кенгаш аъзоси;
4	Ш. Сагдуллаев	-	Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи, Кенгаш аъзоси;
5	Н.Ю. Дулабова	-	Регионал ва рудали геология бўлими бошлиғи, Кенгаш котиби;

***Изоҳ:*** Маслаҳат-кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юклатилган шахслар киритилади.